

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 4



МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

80. Алаутдинова Камола Шомансуровна TRANSPORT LOGISTIKASIGA OYD TERMINLARNING SINONIMIK XUSUSIYATI.....	4
81. Amriddinova Nazira Shamsidinovna PECULIARITIES OF SUPPLY AND DIFFICULTIES IN THE RESEARCH OF VARIATION OF PHRASEOLOGICAL MEANING IN VOCABULARY ARTICLES.....	13
82. Наширова Шаҳноза Буриевна ЖУРНАЛИСТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ АСПЕКТЛАРИ.....	20
83. Хошимов Ғанижон Мирзаахмедович, Комилова Нилуфар Абдылкадымовна ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ГЕНДЕР КОНЦЕПТУАЛ СЕМАНТИКАСИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИ НОМИНАТИВ ТУРЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	26
84. Saydaliyeva Muxlisaxon Baxtiyor qizi PRETSEDENT NOMLAR TADQIQI YUZASIDAN MULOHAZALAR.....	32
85. Daminov Navruz Kudratovich WAYS OF COMPRESSION USED IN THE PROCESS OF SIMULTANEOUS INTERPRETATION.....	40
86. Difuza Rahmatova VOHID ABDULLANING NAVOIYSHUNOSLIK FAOLIYATI.....	45
87. Abduolimova Maftunaxon Nurulloxon qizi TURLI TIZIMLI TILLARDAGI SHART- ISTAK MAYLINING QIYOSIY TAHLILI.....	50
88. Раъно Рахматуллоевна Касимова АДАБИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИ.....	58
89. Sultanova Muxabbat Shamsiyevna, Mardanova Firuza Subhonovna SOME INTERACTIVE METHODS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES.....	67
90. Xandamov Laziz Akramovich FRAZEOLOGIK BIRLIKЛАRNING SEMANTIK-GRAMMATIK TAHLILI.....	72
91. Urinova Dildora Bekmakhmatovna THE STUDY OF PHRASEOLOGY USED IN THE WORK OF ABDULLAH KAHHOR.....	80
92. Абдуназарова Нилуфар Ёрқинжон қизи ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ВА МАТАЛЛАРИДА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИ ИФОДАЛАНИШИ.....	85

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Раъно Рахматуллоевна Касимова,
Бухоро давлат университети
Инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси
докторанти (DSc), ф.ф.ф.д. (PhD), доцент

АДАБИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-4-88>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адабиётнинг психология билан ўзаро алоқадорлиги ўрганилган бўлиб, “ижод”, “тасаввур”, “тип”, “типик образ” тушунчалари мазмун-моҳиятини очиқ бериш, бадиий адабиётдаги ўрнини белгилаб олиш, “адабиёт психологияси”нинг ёзувчи шахсияти психологик тадқиқи, ижодий жараён, бадиий асарларда мавжуд типлар ва қонунлар, адабиётнинг китобхонларга таъсири орқали ёритилиши, матн, матнни конкретлаштириш ва санъат асари, бадиий аспект, китобхон психологияси, китобхон ва асар ўртасидаги ўзаро мулоқот сингари фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: адабиёт ва психология, ижод, тасаввур, тип, типик образ, бадиий аспект, китобхон психологияси.

Rano Rakhmatullovna Kasimova,
Bukhara state university
Doctoral candidate (DSc) of the Department of
English Literature and Stylistics, PhD, a senior lecturer

LITERARY PSYCHOLOGY

ANNOTATION

The article studies relationship between literature and psychology, focusing on defining the meaning of “creativity”, “imagination”, “type”, “typical character” concepts, highlighting their place in fiction, psychological research of a writer’s personality, creative process, types and laws in literary works, literature description through its influence on readers in “literary psychology”, text, the concretization of a text and a work of art, literary aspect, reader psychology, and an interaction between the reader and a literary work.

Keywords: literature and psychology, creativity, imagination, type, typical character, literary aspect, reader psychology

Раъно Рахматуллаевна Касимова,
Докторант кафедры Английской литературы и стилистики
Бухарского государственного университета (DSc),
д.ф.ф.н. (PhD), доцент

ПСИХОЛОГИЯ ЛИТЕРАТУРЫ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается взаимоотношение психологии с литературоведением, а также, раскрывается сущность терминов “творчество”, “представление”, “тип”, “типичный образ”, их место в художественной литературе, изображение психологию литературы с помощью психологической исследования индивидуальности писателя, творчества, типы и основные законы художественной литературы, влияние литературы на читателя, придается особое внимание на текст, конкретизация текста, творческое произведение, литературный аспект, психология читателя, взаимосвязь между читателем и произведением.

Ключевые слова: литература и психология, творчество, представление, тип, типичный образ, литературный аспект, психология читателя.

Кириш. Психология ва адабиётшунослик фанларининг ўзаро муносабати ҳамда уларнинг бир-бирига таъсири бахсталаб масалалардан бири бўлиб, бугунги кунда ҳам долзарблик касб этиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мақолада жаҳон психологлари ва адабиётшунос олимлари томонидан билдирилган фикрларга асосланиб, мазкур фанлар орасидаги боғлиқликни, “ижод”, “тасаввур”, “тип”, “типик образ”, адабиёт психологияси тушунчалари мазмун-моҳиятини, ёзувчи шахсиятининг психологик тадқиқини, ижодий жараёни, бадиий асарларда мавжуд типлар ва қонунларни, адабиётнинг китобхонларга таъсирини ўрганиш мақсад қилинди.

Асосий қисм. Д.Расселнинг фикрига кўра “Psychologists prefer observations that can be replicated, where as a serious writer deals with analogy, metaphor, and perhaps intentional ambiguity [13;551-553]”, яъни психологлар такрорлаш мумкин бўлган кузатишларни, ёзувчилар эса аналогия (ўхшатиш), метафора ва уйдирмани афзал кўришади. Р.Сантос эса “Psychology values logic, a situation that is substantially opposed to Literature, even though the latter may be based on likelihood”, яъни психология мантиқни қадрлайди, бу вазият эҳтимолликка асосланган адабиётга мутлақо зиддир, деб ҳисоблайди [14;781]. Билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, психология ва адабиёт ҳаётдаги ёки сюжетдаги зиддиятлар ва муаммолар орқали ўз субъектини, реал (ҳаётий) ёки бадиий қаҳрамонлар динамикасини тушунишга йўналтирилган, деб айтиш мумкин.

Психология филологик билимларни камида тўртта категория бўйича тўлдириши мумкин: ёзувчи психологияси, ижод психологияси, хулқ-атвори ўрганиш ва адабиётга муносабат[14;781].

Ёзувчи психологиясида турли ёзувчиларнинг биографияси ва автобиографиясининг психологик талқини асосида муаллифлар ҳақида маълумотга эга бўлиш имкони мавжуд. Ўз навбатида, ижод психологияси ҳам ёзувчи, ҳам қаҳрамонлар шахсиятини, айниқса, қаҳрамонларнинг вазифасини/ функциясини, яъни улар ёзувчи томонидан тузатилгани, қайта ёзилгани ёки яратилганини билишга қаратилган. Бадиий асарлар яратиш жараёнининг психологик тадқиқи, одатда, ҳар бир муаллифнинг ўзига хос услубини инобатга олган ҳолда, барча ижодий жараёнлар босиб ўтадиган босқичларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, психологик мантиққа асосланган хулқ-атвори ўрганиш характер ва вазиятни ёритишга интилади. Бунда шахс хатти-ҳаракатлари аниқ намоён бўлиши ёки уларнинг бажарилиши асносида тушунилиши мумкин. Шунингдек, реципиент ҳам ўқиган китобларига нисбатан муносабат билдириши, муайян сюжетнинг унга таъсирини, адабиётнинг таъсирини кўрсатади.

Турли фанлардаги каби психологияда ҳам инсонни маърифатли қилиш мақсадида бадиий асар ва уни ўраб турган муҳит орасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш кўзда тутилади. Бунда адабиётга четдан назар ташлаш, яъни адабий моҳиятга эмас, балки ташқаридаги ҳолат орқали контекстлаштириш ва интерпретация қилиш имкони яратилади.

Р.Уеллек ва О.Уорренлар психология ва адабиёт ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, уларнинг имкониятлари ва заиф томонларини аниқлаштиришда салмоқли ҳисса қўшишган.

Р.Уеллек ва О.Уорренлар “Psychology of Literature” – адабиёт психологияси тушунчасини а) ёзувчини тип ва шахс сифатида тадқиқ этиш; б) ижодий жараёни ўрганиш; в)

адабий асарларда мавжуд турлар ва қонунларни ўрганиш; д) адабиётнинг китобхонларга таъсирини ўрганиш орқали ёритиб беришган [18;95].

Муаллифларнинг фикрига кўра ёзувчини шахс ва тип сифатида психологик тадқиқ этиш, шунингдек, унинг ижодини ўрганиш психология фанининг санъат психологияси соҳаси учун қизиқиш уйғотади. Мазкур соҳа санъат билан боғлиқ баҳолаш, яратиш ва амалга ошириш ёки жамоатчилик билан муносабатга киришиш, уларнинг танқидларини тинглаш сингари хатти-ҳаракатлар орқали шахснинг психологик тажрибасини тасвирлайди ва тушунтиради. Бироқ А.Н.Андреевнинг таъкидлашича, санъатни психология бўлими сифатида қараш мақбул эмас. Шунинг учун санъатнинг образ яратиш жараёнини қамраб олган қисмигина психология предмети бўлиши мумкин, санъатнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи санъат ўзи нима? деган саволни ўз ичига олган иккинчи қисми эстетик-бадиий усул предмети ҳисобланади [1;80]. Олимларнинг турлича ёндашувлари асосида, шунинг таъкидлаш мумкинки, ёзувчиларнинг бадиий асар яратиш қобилияти ҳақиқий санъат ҳисобланади ва у психологиянинг предмети бўла олади.

Ижтимоий психология инсонларнинг қандай фикрлаши, ҳаракат қилиши, бир-бирига муносабати ва таъсирини ўрганувчи психологик соҳа бўлиб, XX асрда ижтимоий фанлар билан музокаралар олиб боришга ҳаракат қилган ҳамда турли ижтимоий оқимларда иштирок этаётган шахсларнинг ижтимоий тажрибасига таянган.

Д.Креч ва Р.С.Крачфилд шахсни ўрганишнинг дидактик усули сифатида ўқитиш номинацияни санаб ўтишган. Улар: “man who-perceives (реципиент)”, “man-who-needs (муҳтож инсон)” and “man who-solves-problems (муаммони ечувчи инсон)”[11;13].

Бошқача айтганда, муаллифларнинг фикрига кўра психологияда “идрок этувчи, курашувчи ва ўйлайдиган”, яъни бошқалардан ўз идроки, хатти-ҳаракати, ҳиссиёти ва ҳуқуқ-атвори билан ажралиб турувчи ягона шахс мавжуд. Ёзувчи шахс сифатида ягона, у инсоний характерларни ўзида мужассамлаштиргани билан бетакрор. Унинг дунёси ўзининг идроки, ҳиссиёти, кўриши, ўйлаши, тасаввур қилишидан иборат бўлиб, бошқа ҳеч ким уни айнан такрорлай олмайди.

Ёзувчи, аввало, ҳис-туйғуларини ишга солиб ўйлашга, сўнг лингвистик, яъни мос сўзларни танлаб, ижод қилишга киришади. Ёзувчининг индивидуал идроки эса унинг ўй-фикрлари, кашфиёти, кузатувлари натижасидир. Ўз навбатида, тип сифатида ёзувчининг шахсияти, хусусиятлари, кўникмалари, эътиқоди, муносабатлари, қадриятлари, хатти-ҳаракатлари, мослашувчанлиги ва темпераменти, ташқи кўриниши инобатга олинади, яъни уни бошқалар томонидан англашилиши ва уларга таъсири таҳлил қилинади ва одатда, бу тушунча Э.Спренгер талқини билан айтганда “scheme of understanding (тушуниш схемаси)”[16] тарзида умумлаштирилади.

Хусусият инсоннинг ички ҳиссиётларини, тип ташқи кўринишини намоён этади. Э.Спренгер инсоний қадриятларни таҳлил қилиб, назарий, эстетик, ижтимоий, сиёсий ва диний турларни тан олади. Олим санаб ўтган турлар ҳақида фикр юритар эканмиз, инсон ушбу турларнинг фақат биттасига тааллуқли бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаймиз, чунки мазкур турлар инсон қадриятларини таҳлил қилиш ва уни тушунишга имкон яратади.

Таъкидлаш жоизки, “тушуниш схемалари”ни қўллаб-қувватлаш учун яратилган мавҳумликлар сингари бу типологияларнинг биттаси шахсни тўлиқ тушунтира олмайди. Ёзувчилар турли типларни қўллашни афзал кўришади. Булар:

1. Идеал ва эмпирик (қўллаб инсонлар шахсиятининг кенг доирасини, интровертларни экстревертларга қарама-қарши қўйиш орқали континуум чегараларини қамраб олишни назарда тутувчи) типларни ишлатадиган ёзувчилар;

2. Маданий (савдогар, деҳқон, сартарош, руҳоний, сиёсатчи ва ҳ.к.ларнинг типик ёки диссидент, яъни уларга қарши гуруҳларда иштирок этувчи) типларни ишлатадиган ёзувчилар;

3. Пропагандистик (мавзу юзасидан асосий, масалан, конституцион, перцептив, когнитив, мукамал ва мукамал бўлмаган билимларини намоён этувчи) типларни қўллайдиган ёзувчилар [14;781].

Инсон, тип сифатида ижтимоий гуруҳнинг бир қисми бўлса-да, унинг шахсияти ўзига хос хусусиятлари, касби кори билан эмас, ички фаол табиати билан тартибга солинади.

Д.Олпорт психологияда типларни ўрганар экан, шахснинг етарлича ҳаққоний тоифасини топиш мақсадида умумийлик ва амплитуда (бу ерда кенг қамровлилик маъносида инсонларни либерал, нарциссист, церебротоник, авторитар типлар сингари таснифлаш имкони) ни излаш бу “индивидуалликка қисман ёндашишдир” дея таъкидлайди [2;35-36]. Муаллифнинг фикрига кўра, “starting from types, researchers often reach useful information about complex traits and nothing more than that”, яъни изланувчилар ўз тадқиқотини типларни ўрганишдан бошлар экан, мураккаб хусусиятлар ҳақида маълумотларга эга бўлишади, холос.

Ижодий жараён ҳақида фикр юритишдан олдин “ижод” ўзи нима? деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Ижод – CALD луғатида “creation - the act of creating something, or the thing that is created [20]” дея изоҳланар экан, бу ҳали кашф этилмаган нарсаларни тасаввур қилиш, кашф этиш ва яратишни билдиради. Шунингдек, аллақачон ихтиро қилинган нарсаларнинг ишлашини яхшилаш мақсадида уларга янгича шакл бериш ҳам яратиш ҳисобланади.

Интеллект юқори даражада ақл-идрокни ишлатиш ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш кўникмаларини талаб этиш билан бирга, мантикий кетма-кетликда узвий боғланган онг турларини ҳам тасаввур қилади, ўз ҳис-туйғуларига таяниб объект учун ўзи тасаввур қилган ҳаётни яратади, яъни инсон онгида қандай тасаввур қилса, объект шундай кўринишда намоён бўлади. Тасаввуримизда индивидуал объектлар ҳақида ўйласак, онгимизда худди шу объектлар кўринади. Аслида, алоҳида гуруҳ ҳақида ўйлаш жуда кам ҳолларда юз беради. Кўп ҳолларда синфлар ўртасида муносабат ўрнатиш хусусида фикр юритамиз, дейди Ж.Сартр [15;150-151].

Шундай қилиб, Ж.Сартр концепциясига кўра бадий матнларда учрайдиган тип, муҳит, сезги, ҳис-туйғулар ифодаси бизни ҳеч қачон ҳаракатдан тўхтамайдиган ҳамда билимни ривожлантириш учун ҳар доим символика излайдиган рамзий тизимга рўпара қилади.

Бирок, ақл-идрок билан ўйланган тасаввур коллектив ва индивидуал тасаввурдан фарқ қилади. Коллектив тасаввурда субъективлик (индивидуаллик) онгсизликка, индивидуал тасаввурда эса халқ ва маданият образи реципиентга таништирилади.

Г.Дюранд субъективлик ва маданий образлар тўпламини инсон ҳаёти сўнгига юзланадиган изтиробларга жавоб сифатида тасаввур қилади, яъни доимий равишда инсон яратувчанлик ва воқеликни идрок этиш қобилиятини тасдиқлайдиган антропологик йўлни тасвирлашга муҳтож [6].

Тасаввур CALD луғатида “imagination – the ability to form pictures in the mind”, “The Oxford Dictionary of Literary Terms” онлайн луғатда “imagination is the mind’s capacity to generate images of objects, states, or actions that have not been felt or experienced by the senses, яъни “тасаввур қилиш ҳис қилинмаган ёки бошдан кечирилмаган нарса, ҳолат, ҳаракатнинг тасвирини яратиш қобилиятидир, деб изоҳланган. Романтизмга қадар психология ва санъат муҳокама қилинганда, тасаввур ҳаёлот билан синоним ҳисобланган ва одатда, ақл-идрокка қарши қўйилган. Тасаввур баъзан ақл-идрокка қўшимча, баъзида эса унга зид бўлган.

С.Т.Кольридж асарида ҳаёлот ва тасаввур фарқи тушунтирилиб, тасаввурнинг йўқолиши ёки образларни янги шаклга бирлаштириш креатив кучига урғу берилган. С.Сеянинг фикрича, тасаввур, Аристотелнинг “On the Soul” асарида тилга олинганидек, руҳий жараёндан иборат бўлиб, биз у орқали тасвирни тасаввур қиламиз. Аристотел фикрига кўра инсон онги тасвирларсиз ўйлай олмайди, ҳозирги дунёмизда мавжуд бўлмаган нарсаларни ана шу тасаввур ифодалайди. С.Сея изоҳлаганидек, тасаввур тушунчасининг асл юнонча маъноси немисча “Phantasie” терминида сақланиб қолинган. З.Фрейд ва К.Юнглар ҳам тасаввур терминини айнан шу маънода қўллашган [14; 781].

XVIII аср адабиётшунослик соҳасидаги изланишларда тасаввурнинг ижодий кучи бадий ижоднинг муҳим фаолияти сифатида таъкидланиб, антик даврдаги маъноси (меланхолия, носталгия, фобия ва зерикаш ҳиссиётларига ўхшаш фаолият)га қарама-қарши қўйилади. Р.Дейкаарт ўз асарида на тасаввур, на ҳиссиёт тушунча аралашувисиз бирор

нарсани тасдиқлашга рухсат бера олмайди, деб таъкидлаган [5;31-32]. Демак, инсон онгидаги тасаввур воқеа ва ҳодиса концепти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Билимнинг прагматик шаклларига эришиш учун тасаввурга субъектив альтернатив мақомини берган Европа Романтизми ва Кант томонидан тасаввурни инсон идроки сифатида қабул қилиш ҳамда тасаввурни намоён этадиган образларни таклиф этиш масалалари асносида тасаввурнинг янги назарияси яратилган. Унга кўра тасаввур прагматик билим ҳисобидан субъектив билимга олиб борадиган имтиёзли йўл ҳисобланади.

С.Т.Кольридж сезгиларнинг тўлиқ ҳаётийлигини фақат тасаввур орқали ҳис қилиш мумкинлигини тан олиб, тасаввурни худонинг яратувчанлик кучи даражасига кўтарган. Ушбу фикрни немис файласуфи Шлегел ҳам қўллаб-қувватлаган. У тасаввурни онгсизлик чегарасида юзага келадиган тасвирлар билан ишлайдиган фантазиядан фарқли ўлароқ, онглилик даражасида тасвирларни боғлаш қобилияти, деб тушунади. Бироқ, XX аср адабиётшунослиги назарияга қараганда шахсий тажрибага яқинлаштирилган креатив тасаввур маҳсулига катта қизиқиш билдиради.

Немис психологи Р.Арнхейм таъкидлашича, креатив тасаввур психологик идрок билан билан боғлиқ бўлиб, унинг вазифаси инсонга объектларнинг ташқи кўринишини муайян контекстга мос шакллarga айлантиришдан иборат. Инсон идроки ва тафаккуридаги ўхшашлик синчковликка эмас, балки асосий таркибий хусусиятлар мослигига асосланади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар бир янги нарса инсоният тажрибасининг универсал мавзуларини талқин қилиш учун хизмат қилади. Санъат асарларини кўриш орқали идрок этиш мумкинлигини, тасвирнинг статик эмас, динамиклигини, унинг системани эмас, тарангликнинг ўзаро таъсирини намоён этишини таъкидлаб, визуал майдонда объектларнинг ўзаро таъсирини кўз эмас, балки ушбу визуал майдон қандай қабул қилинишини шакллар динамикаси аниқлаб беради, деган фикрларни билдиради [3]. Сюзан Ленгер инсон ҳис - туйғуларини ифодаловчи, сезги ва тасаввур орқали идрок этиш учун яратилган бадий асарни ифода воситаси сифатида тавсифлаш адабиётшунослик учун жуда муҳим [12], деб ҳисоблайди.

Адабиётдаги ижодий жараёнга тўхталадиган бўлсак, Р.Уллек ва Р.Уорренлар замонавий тадқиқотларнинг онглилик ва онгсизлик туфайли амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатларга яқин бўлишини таклиф этишади. Бунда сўзлар ифода этадиган маъносига кўра муҳим рамзлар ҳисобланиб, ёзувчи уларни ассоциациялаш, диссоциациялаш, рекомбинациялаш бўйича мутахассис.

Персонажларнинг яратилиши кўп қўлланилган типлар, кузатувлар асосида яратилган типлар ва ёзувчи ўзи яратган типларнинг бирикувидан иборат, деб фараз қилинса, фақат “эго”, яъни “мен” бадий ижод учун салмоқли материал сифатида мураккаб персонажларга айланиши мумкинлиги намоён бўлади.

Психология, шунингдек, ёзувчилар қўллайдиган асар композициясини тузиш, тузатиш, қайта-қайта ёзишнинг турли усулларини ҳам ўрганади.

Ёзувчи ижод лабораториясида содир бўлаётган воқеаларни текширишга, яратилаётган санъат асаридаги номувофиклик ҳамда ўзгаришларнинг олдини олишга имкон берадиган бўшлиқларни аниқлаш ижод амалиёти ҳисобланса-да, улар бадий асарга эмас, балки уни мукаммаллаштиришга қаратилади.

Айтиш мумкинки, муаллиф ўз асарида қўллаган образлар ва уларнинг муносабатларини психологиядан излаган бўлса, бадий қаҳрамонлар психологик ҳақиқат бўлиб чиқади. Бироқ бу хусусиятлар тез-тез тўқнашиб турадики, улар иштирок этаётган ва ҳаракат қилаётган мураккаб вазиятлар, уларни муайян ижтимоий типга мослаштиришдан кўра, кескинроқ кузатувларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Онг оқими услубида ёзилган асарлар бунга мисол бўла олади. Бундай асарларда ақлий жараёнларнинг ишончли такрорланиши қўлланилган услуб тавсия этган драматизация имкониятидан камроқ аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, “ижод ҳаққонийлиги” тушунчасига урғу берилишидан қатъий назар бадий асарга бадий қиймат берадиган нарса психологик ҳақиқат эмас, аксинча, мутлақо янги нарсага эришиш мақсадида изчиллик ва мураккабликни таъкидлаш учун бу ҳақиқат қандай таъсир этгани психологик ҳақиқатдир.

Адабиётшуносликда тип персонаж яратиш усулларида бири сифатида ўрганилади. Шунингдек, Д.Куронов таъкидлаганидек, адабиётшуносликда тип характернинг юқори даражаси деб қараш ҳам, тип ва характер атамаларини синоним сифатида қўллаш ҳоллари ҳам мавжуд [19;77]. Ҳам жисмоний ҳам руҳий маъносига кўра схематик (тизимли) конфигурация, “ҳақиқий” тўлиқ аниқланган шахс сифатида режалаштирилган, шунингдек, романнинг учта муҳим таркибий элементларидан бири бўлган типни, Э.М.Форстер фикрига таяниб, асар давомида ўзгармайдиган ягона хусусият билан ажралиб турадиган оддий, чизикли персонажлар тавсифи, деб ҳисоблаймиз [7].

Типик образ дейилганда муайян ижтимоий-тарихий шароит, давр ва муҳитга хос муҳим характерли хусусиятларни ўзида намоён этган образ назарда тутилади [19;77]. Шундай экан, тарихий романларда типнинг кенг қўлланилиши, маълум бир муҳит ёки ижтимоий синф вакиллариининг мавжудлиги зарур эканлиги билан оқланади, чунки уларнинг бадиий тақдирида муҳим тенденциялар ва тарихий ўзгаришлар акс эттирилади. Мулоҳазаларимизни Д.Куроновнинг “Масалан, “Кеча ва кундуз”даги Акбарали, Раззоқ сўфи, нойиб тўра образларининг ҳар бирида октябрь тўнтариши арафасидаги муайян ижтимоий гуруҳларга хос типик хусусиятлар устуворлиги кузатилади. Жумладан, Акбарали образида чор ҳукумати ўз сиёсатини юргизиш учун фойдаланган маҳаллий амалдорлар, Раззоқ сўфи тимсолида моҳиятни англамасдан кўр-кўрона эътиқод қилган диндорлар, нойиб тўрада мустамлакачи амалдорларга хос типик хусусиятлар мужассам ифода этилган” [19;77] деган фикрлари билан асослаймиз.

Жамиятни ёки маълум бир ижтимоий гуруҳни тасвирлаш бошқа жиҳатлар қаторида бадиий конструкция тузиш имконини яратади. Бадиий асар сюжетида муаллифнинг сўзлар маъносига, уларнинг локютор ва интерлокюторлар оғзаки нутқида қўлланилишига қаратган эътибори персонажларни белгиланган даврга олиб кирувчи муҳим лингвистик ва тасвирий ифодани кафолатлайди.

Содда персонажлар сифатида уларнинг роли муайян вазият ёки умумий ҳулқ-атворга боғлиқ бўлиб, бу хусусият персонажларни ўзига хос жиҳати билан ғояни ҳаддан ташқари бўрттириб юбориб, сатира уйғотадиган карикатурадан узоқлаштиради.

Умуман олганда, касби, ҳулқ-атвори ва ижтимоий табақасига кўра персонажлар бир тоифадаги инсонларга хос бўлган хусусиятлар, масалан, ижтимоий қадриятларни ҳимоя қилувчи яхши инсон, ёвузликни йўқлайдиган ёвуз киши, маслаҳатгўй қария ва ҳ.к. сингари умумий ички компетенцияси билан фарқланади.

Бадиий асарларни талқин қилиш ва уларнинг бадиий қийматини аниқлашда психологиядан фойдаланиш мумкин, шунингдек, ўзининг назарий тузилмаларига эга социология, фалсафа, тарих ва бошқа фанлар ҳам бадиий сюжетни тасвирлаш учун қўлланилган асосий концептларни тушунишда китобхонга ёрдам бериши мумкин.

Ҳикоянинг маълум бир нуқтасида талқинларнинг чекланган майдони мавжудлигини таъкидлаган М.Валдес, билим соҳаларининг хилма-хиллиги воситасида талқин қилиш матннинг маъносини ажратиб кўрсатиши ва бу маънони бошқаларга яъни субъектив соҳадан субъектлараро соҳага етказиши керак, деб ҳисоблайди [17]. Маъно яратишда мос тилни танлаб, бадиий асар синтезланади, коммуникатив тилни таъминлайди ва миметик хусусиятга эга бўлади.

Тури ва шаклидан қатъий назар бадиий адабиётда дунёдан, тарихдан ёки ҳаёлий тавсиф элементларидан ажратиб бўлмайдиган контентни тақдим этиш имкони мавжуд. Бирок изланишларни муаллифларнинг қоралама, истисно, рад этилган версиялар ва бошқа қисқартмаларига йўналтириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки уларни яратган муаллифлар ҳақида маълумотга эга бўлсак-да, улар (қоралама, истисно, рад этилган версиялар, қисқартмалар) на таҳлил қилинади ва на бадиий қиймат касб этади [18].

Хусусан, ниманидир “адабиёт” деб ҳисоблаш учун бир ёки бир неча критериялар махсус қўлланган “literality” (бу ерда аниқлик маъносида) термини фиктив дискурс ёки кундалик тил фаолиятига, тилнинг айрим хусусиятларига имитация [4;77] сифатида таърифланган бадиий объектнинг назарий ва методологик аспектлари мавжуд.

Ҳақиқатни ифодалаш ёки ўзини кўрсатиш орқали бадиий асар реалистик (персонаж ижтимоий шахс сифатида тан олинган), анъанавий семантик (матн асар баёнида содир бўлган воқеалар воситачиси), имитацион (айтиш ёки айтиш мумкин бўлмаган нарсалар ҳар доимгидек билвосита), ижтимоий рамзий (жамиятни намоён қилиш усулларининг мулоҳазаси) мақсадларни намоён этиши мумкин.

Адабиёт ва ўзига хослик ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, мураккаблик, кўп аҳамиятлилик, коннотация устунлиги, ижод эркинлиги, муҳим ва ўзгарувчанликка эътибор қаратилган масалалар бадиий дискурс тавсифи бўлиб, ижод оламида наср ва назмда асар яратиш усулларини қоида сифатида инобатга олишга ўзига хос тарзда йўналтиради.

Волфгенг Айзер ўзининг *“The Act of Reading”* китобида реципиент ва асар ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганиб, асар китобхон учун қандай ва қайси шароитда маънога эга бўлишига эътибор қаратади [10]. Анъанавий талқин яширин маъноларни очиб беришни мақсад қилгани боис, В.Айзер мазмунни асар ва китобхон муносабатининг натижаси сифатида таҳлил қилишни афзал кўради. Унинг фикрига кўра, мазмун асарда топилиши мумкин бўлган хабар эмас, балки китобхон томонидан ҳис қилиниши керак бўлган таъсир.

Умуман олганда, асар тушунилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг бошқа ҳолатлар билан бирикиб, китобхондан мазмунни, бўшлиқларни, яъни улар очик гапирмаган ҳолатларни тўлдиришни талаб этади. Бу фаолият китобхонни исталган пайтда ўйлантириб қўяди, яъни у ўзи тушунган маъно адекватлиги хусусида фикр юрита бошлайди ва мана шу ҳолат китобхон ҳамда асар ўртасида ўзаро мулоқотни юзага келтиради. Ушбу жараён матндан яширин маънони топиш ёки таҳлил қилиш мақсадида ўқишдан мутлақо фарқ қилади.

Р.Ингарден мазкур изланишни тушунтириб берган ва эстетик объект фақат ўқувчи томонидан билиш ҳаракати орқали яратилади, деб таъкидлаган [9].

В.Айзер Р.Ингарденнинг ушбу қоидасини қабул қилиб, текст объектини мутолаа натижасида юзага келган потенциал текст объектига алмаштиради. Матн ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро таъсирни текшириш мақсадида В.Айзер матнни ўқимишлилигини, ўқишга яроқлилигини ёки ўқишга таъсир қиладиган сифатларини, шунингдек, матнни тушуниш учун зарур бўлган ўқиш жараёнининг хусусиятларини излайди. Дастлабки ишида у иккала функцияни қамраб олиш учун “имплицит ўқувчи” терминини қабул қилган. Бу ҳатти-ҳаракат ва матн тузилишида намоён бўлади. Кейинчалик, Р.Ингарден терминологиясига чуқурроқ таяниб, у матн, матнни конкретлаштириш ва санъат асарини фарқлайди.

Матн ва бадиий асар ўртасидаги биринчи фарқловчи жиҳат бадиий аспектдир. Бадиий аспект биз ўқишимиз ва кутилган натижа сифатида қабул қилишимиз учун муаллиф томонидан жойлаштирилади.

Матнни конкретлаштириш эса, аксинча, ижодий фаолиятимиз маҳсулидир; китобхон тафаккурида матннинг англашилишига матнда очик кўрсатилмаган ҳолатлардан йироқлашиш ёки бўшлиқларни тўлдириш орқали эришилади.

Бадиий асар бу матн ёки конкретизация эмас, балки улар орасидаги нарсадир. Бу матн ва ўқувчи ўртасидаги муносабат нуқтасида, ҳеч қачон тўлиқ аниқлаб бўлмайдиган нуқтада содир бўлади.

Санъат асари виртуал (муайян шароитда таъсир кўрсата оладиган) табиати ва бир-бирини тўлдирадиган турли процедуралардан иборатлиги билан ажралиб туради. Шундай процедуралардан биттаси, протенция ва ретенция диалектикаси бўлиб, ушбу терминлар Хассерлнинг феноменологик назариясида келтирилган: Protention is understood as the state of expectation that prepares the reproduction of a memory (i.e., the pre-memory, and retention is understood as the primary memory brought to us by the text we have read) [8; 38-53], яъни протенция хотирани репродукцияга тайёрлайдиган кутиш ҳолати бўлса, олд хотира ва ретенция ўқилган матн натижасида юзага келган бошланғич хотира сифатида тушунилади. Протенция ҳали қабул қилинмаган кейинги лаҳзани кутиш. Протенция ва ретенция орқали аслият матни нусхалари, яъни янги асарлар юзага келади. Буни синхрон ўқиш машқларида қўллаш мумкин.

Матн билан ишлаганда китобхон ўзини қониқтирадиган ёки қониқтирмайдиган натижаларни режалаштиради, шу билан бирга мутаоала жараёни гаплардан ва конкретизациядан воз кечиш билан шартланади. Мазкур диалектика орқали ўқиш аниқланар экан, китобхоннинг асосий фаолияти матндан келиб чиқадиган маънода ётади, маъно эса матн таркибий элементларининг бирикуви, артикуляцияси, уларнинг изчиллиги ва узвийлигини таъминлайдиган бирикмалар орқали шаклланади. В.Айзернинг таъкидлашича, китобхон матндаги бўшлиқларни тўлдириш орқали асар моҳиятини тушуниб етади. Бўшлиқлар матнда аниқ айтилмаган, фақатгина англашилиши таклиф этилган ҳар қандай нарса, тушунча, ҳолат, деб тушунилиши лозим.

Матндаги тушунмовчилик келтириб чиқарадиган тушунчаларни англаш ёки уларни ассимиляция қилиш чалкашлиқларга олиб келади. В.Айзернинг таъкидлашича, китобхон фаолиятини давомий тажрибага ўхшатиш мумкин, матндаги бўшлиқларни тўлдириш орқали китобхон асар билан танишиш жараёнида унинг мазмун-моҳиятини англашга тайёрланиб боради. Бўшлиқлар салмоқли муносабатни ифодалагани сабаб, улар ўқувчи тасаввурида матндан англашиладиган позициялар учун жой бўшатади. Шундай қилиб, бу муносабатлар содир бўлганида, бўшлиқлар йўқолади”[10].

Бироқ В. Айзер коммуникация ва диалогда муваффақиятсизликни, яъни ўқувчи тасавури орқали бўшлиқларни тўлдириш натижасида мувозанат юзага келса, матндан қатъий назар бу муносабатлар муваффақиятсизликка учраши ёки ўқувчи тасаввурини зўриқтиришини истисно қилмайди ва ўқувчининг асосий фаолияти бўшлиқларни тўлдириш орқали матн узвийлигини таъминловчи элементларнинг артикуляцияси ва комбинациясидан келиб чиқадиган, матндан англашиладиган маънода ётади, деб ҳисоблайди.

Хулоса. Бўшлиқлар ўқувчининг композицион фаолиятини таъминловчи давомийликка ҳалақит беради. Матнни мазмунан изчиллигига эришиш учун ўқувчи ўз тасаввурларини қайта ишга солади ва мана шу тасаввур натижасида унинг дунёқарашига ўқийдиган китоби талқини орқали янги тасаввурлар юзага келади. Бироқ китобхон мафкурасига таяниб талқин қилмаса, қабул қилиш эстетикасида имплицит ўқувчи деб аташ мумкин бўлган нарсани аниқлашда қийинчиликка дуч келади. В.Айзер ишлаб чиққан эстетик таъсир назариясига таяниб, ўқувчи томонидан бадиий адабиётни мулоқот тизими сифатида баҳолаб, трансформацион жараёнларга асосланган маънони англашга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бунда бадиий репертуар, матний стратегиялар, ўқиш вариантлари, имплицит ўқувчи, матндаги бўшлиқлар матн истикболини ва унинг ўқувчи томонидан қабул қилинишини таъминлайдиган жараёнлардир. Муҳокама қилинадиган ёки инкор этиладиган дунё тасавури санъат асари маъносининг ажралмас қисми ҳисобланишини инобатга олиб, асар таҳлилида муҳим аҳамият касб этадиган таклид, таклиф, шакллар, персонажлар тасвири, дид нозиклиги сингари масалалар замонавий психология истикболларини намоён этади. Бу эса адабиётшунослик ва бошқа фанлар нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андреев А.Н. Целостный анализ литературного произведения: учеб.пособие для студ.вузов. – Минск: Электронная книга БГУ, 2003. –143с.
2. Allport D. Personality Traits: Their Classification and Measurement // Journal of Abnormal and Social Psychology, 1921. – pp.6-40.
3. Arnheim R. Art and Visual Perception. – Berkeley, Los Angeles, London: University of California Press, 1974. – 263 p.
4. Culler J. Literary Theory: A very short introduction. – Oxford: University Press, 1997. – P.157.
5. Descartes R. (1986). Discourse on Method and Meditations on First Philosophy. Translated by Donald A. Cress. – Indianapolis /Cambridge: Hackett Publishing Company, 1998. – 103p.
6. Durand G. The Anthropological Structures of the Imaginary. – Boombana Publications, 1999. – 448 p. <https://catalogue.nla.gov.au/Record/230861?>
7. Forster E. M. Aspects of the Novel. – Publisher: Edward Arnold, 1927. – 224 p.

8. Husserl E. The Idea of Phenomenology //Central Works of Philosophy. Publisher: Acumen Publishing, 2005. – pp. 38-53.
9. Ingarden. The Literary Work of Art, Translated by George G. Grabowicz. Evanston, United States: Northwestern University Press, 1979. – 415 p.
10. Iser W. The Act of Reading. Baltimore: Johns Hopkins University Press, 1978. – 231 p.
11. Krech D., Crutchfield R. Theory and Problems of Social Psychology. – Published by McGraw-Hill, 1948. Digitized by the Internet Archive in 2011 with funding from LYRASIS Members and Sloan Foundation. – 613 p.
12. Langer S. Problems of Art: Ten Philosophical Lectures.- New York: Scribner, 1957. – 96 p.
13. Russell, D. H. Psychology and literature // College English. Vol. 25, No. 7 (Apr., 1964), pp.551-553. Retrieved from <https://www.jstor.org/stable/373246>
14. Santos, R. C., Santos, J. C., Silva, J. A. Psychology of Literature and Literature in Psychology // Trends in Psychology/June, 2018. Vol. 26, №2. – pp. 781-794.
15. Sartre J.P. The Psychology of Imagination. – Publisher: Citadel, 1991. – 282 p.
16. Spranger E. Types of men: The psychology and ethics of personality. – Halle, Germany: Niemeyer, 1928. – 402 p.
17. Valdés M., Kadir D. Literary Cultures of Latin America: A Comparative History: Configurations of literary culture. – Oxford, UK: Oxford University Press, 2004.
18. Wellek R. and Warren A. Theory of Literature. Third edition. – New York: A Harvest Book. 1956. – 362 p.
19. www.ziyouz.com kutubxonasi Dilmurod Quronov. Adabiyotshunoslikka kirish. – 242 b.
20. www.CALD Cambridge Advanced Learners' Dictionary. Third edition

